


# **Нукус ДПИ волейбол жамоаси Ўзбекистон суперкубоги ғолиби бўлди**

Тошкент давлат транспорт университети спорт залида волейбол бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон суперкубоги учун мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада бу йилги Ўзбекистон чемпионлари ва кубоги ғолиблари иштирок этди.



Хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг «НДПИ» жамоаси суперкубок мусобақасида Ўзбекистон кубоги финалчиси Жizzах вилояти жамоасига икки ўйин натижалари бўйича ҳеч қандай имконият қолдирмади ва 2020 йилдаги Ўзбекистон суперкубоги ғолиби ҳамда абсолют чемпиони бўлди.

